

ЎЗБЕКИСТОНРЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВАСУВ

ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

**“Қишлоқ хўжалигини механизациялаш” факултети
“Қишлоқхўжалиги электрэнергетикаси ва электротехнология”
кафедраси**

**5630200-“Қишлоқ хўжалигини электрлаштириш ва
автоматлаштириш”) йўналиши бўйича**

***БИТИРУВ
МАЛАКАВИЙ ИШИ***

**Мавзу: Сурхандарё вилояти “Серхаракат” фермер хўжалиги
иссиқхонасининг электр куч тармоқларида энергия тежовчи
чораларни ишлаб чиқиш.**

Бажарди: _____

Шофиев А.

Рахбар: _____

асс. Файзуллаев Б.П.

Маслахатчи: _____

дотц.Ибрагимов М.И

“Қишлоқ хўжалиги электр
энергетикаси ва
электротехнология” кафедраси
мудир, доцент

_____ **А. Вахидов**
«__» _____ 2015 й

Қишлоқ хўжалигини механизациялаш
факультети декани, доцент

_____ **Э. Фармонов**
«__» _____ 2015 й

Тошкент 2015

Мундарижа

Кириш

1. Иссиқхоналарда технологик жараёнларнинг тахлили
2. Электр ёритиш ҳисоби
- 2.1 Ёруғлик манбасини танлаш
- 2.2. Ёритиш турлари ва системалари
- 3.Электр куч тармоғининг ҳисоби
4. Электр юкланиш ҳисоби ва трансформатор танлаш.
5. Технологик жараёнларни автоматлаштириш
6. Электр куч тармоғида энергияни тежаш мавзусини ўқитиш

методикаси

- 6.1 Таълим самарадорлигини оширишда инновацион технологиялардан дарсларда фойдаланиш.
- 6.2. Қишлоқ хўжалик фанларини ўқитишда фойдаланиладиган инновацион технологиялар.
- 6.3. Инновацион фаолиятга тайёрланиш.
- 6.4. Мавзунини лойиҳалаш технологияси асосида ўқитиш

7. Ҳаёт фаолият хавфсизлиги
8. Техник иқтисодий кўрсаткичлар.

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар

Иловалар

59

Кириш

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида қуйидаги таъкидлаб ўтдилар. Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8,1 фоиз, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 8,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши 6,9 фоиз, капитал қурилиш 10,9 фоиз, чакана савдо айланмаси ҳажми 14,3 фоизга ошди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг қарийб 70 фоизини юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр товарлар ташкил этди. Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 2014 йилда 9,4 фоиз, шу жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 8,7 фоиз, ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 10 фоизга ўсди. Инфляция даражаси йил яқунлари бўйича 6,1 фоизни ташкил этди. Бу прогноз кўрсаткичларига нисбатан сезиларли даражада пастдир. Ўтган йили солиқ юки 20,5 фоиздан 20 фоизга, даромад солиғи ставкаси эса 9 фоиздан 8 фоизга камайтирилган бўлса-да, давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз профицит билан бажарилди. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ўзгаришлар. Аввало, қуйидаги рақамларга эътиборингизни қаратмоқчиман. 2014 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2000 йилга нисбатан 2,3 баробар кўпайди. Фақат ўтган йилнинг ўзида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6,8 фоизга, жумладан, деҳқончилик – 6,4 фоизга, чорвачилик – 7,4 фоизга ўсди.

Ўтган 2014 йилда миришкор деҳқон ва фермерларимизнинг фидокорона меҳнати билан мисли кўрилмаган натижаларга эришилди – 8 миллион 500 минг тонна ғалла, 8 миллион 400 минг тонна сабзавот етиштирилди. Мамлакатимизнинг улкан хирмонига 3 миллион 400 минг тоннадан ортиқ пахта хомашёси етказиб берилди. /1/.

Аграр соҳада ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, унинг моддий техник базасини ривожлантириш илмий-техник тарақиётнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги тизимини бошқаришнинг техник жihatларини, бугунги кунда, энергиянинг энг қулай, шу билан бирга ноёб тури ҳисобланган электр энергиясиз ва ўз навбатида ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштиришсиз тасаввур этиш қийин.

Электр энергиясини тежаш ишлаб чиқаришни интенсив ривожланишини асосий факторларидан биридир.

Юқорида келтирилганларни ҳисобга олган ҳолда бажарилаётган битирув малакавий иши қуйидагича номланган “Иссиқхоналарни қайта электр жихозлаш ва электр куч тармоғида энергияни тежаш мавзусини ўқитиш методикасини ишлаб чиқиш”.

1. Иссиқхоналарда технологик жараёнларнинг тахлили.

Лойиҳалаётган иссиқхоналар қишда ва баҳорда ҳар хил кўкатлар, памидор ва бодринг ўстиришга мўлжалланган. Иссиқхоналар блоки ва ҳар блок 6 та 1 гектарли иссиқхоналардан иборат.

Технологик ечимлар “ОНТП – СХ. 10-91 иссиқхона ва комбинатларни лойиҳалашда рухсат этилган нормалар” га асосланиб қабул қилинган. Фойдали тупроқ қатлами 300 мм гача. Шу қатламда ҳаво ва сув режимини яхшилаш учун ва суғоргандан кейин қолган ортиқча сувларни вақтида олиб чиқиш учун дренаж системалари ишлатилади. Дренаж трубалари фойдали қатламдан пастроқ ёйилган қум оралиғида ётқизилган. Ўсимликларни даврасига ва уларнинг турига қараб иссиқхоналарда ҳарорат ва намлик режимлари махсус программа бўйича автоматик равишда бошқарилади. Масалан: қиш ва баҳорда ўстириладиган бодринг учун: Ҳосил бергунча – ҳавонинг ҳарорати 17-18 С, кундуз қуёш борлигида 22-24 С, кундуз қуёшсиз пайтда 20-22 С, ҳосил борлигида юқоридаги даврларга мувофиқ 19-20 С, 24-28 С, 22-24 С. Памидор ўстираётганда ўртача оптимал ростланадиган ҳарорат 16-26 С.

Иссиқхоналарда асосий энергия манбаси – бу ёруғлик. Ёруғлик борлигида ўсимликларда ҳар хил физиологик жараёнлар бор. Булардан энг муҳими фотосинтездир. Декабрь-февраль ойларида қуёш ёритилганлиги жуда ҳам паст. Демак, декабр-феврал ойларида табиий қолган иссиқхоналардаги ўсимликларни ўсишига ва ривожланишига қулай эмасдир. Натижада сунъий микроиқлим яратишга мажбур бўламиз.

Иссиқхона ойналари ифлослигидан ҳам қуёш нурларининг, бинонинг ичига ўтиш даражаси пасаяди. Иссиқхоналарда иссиқлик тенглиги сақланади. Бир томонлама ёруғлик радиацияси билан иссиқлик олиб келинади ва иккинчи томонлама ўша иссиқлик ташқарига олиб чиқарилади. Ёруғлик миқдори ошган сари иссиқхонадаги ҳавони, ўсимликларни ва тупроқни иссиқлиги ошаверади. Маълум бир ҳароратда баробарлик пайдо

бўлади. Қуёш радиацияси билан келадиган иссиқлик миқдори ва атмосферага иссиқхонадан чиқиб кетаётган иссиқлик миқдори тенг бўлиб қолади. Суғориш, ташқи ҳавонинг ҳарорати ва намлиги ўзгариш натижаларида иссиқхонадаги ички ҳавонинг ҳарорати доим ўзгариб туради. Баҳор даврида ўсимликларнинг ҳарорати ошмаслиги учун хоналарга сув пуркаланади ва бунинг натижасида ҳавонинг ҳарорати 2-5 С га пасаяди. Оптимал ҳарорат ва намликни яратиш олганда бодринг ва памидорларнинг ҳосили 7-14 % га ошади.

Суғориш учун махсус ёғиш қурилмалар қўлланилади ва улар автоматик программа орқали бошқарилади. Сувнинг ўртача ҳарорати 20-22 С. Минерал ўғитлар, суғориш системалар ёрдамида ерга берилди. Иссиқхоналарда дезенфикация ўтказиш ва ўсимликларга ишлов бериш учун махсус ярим автоматик пуркагичлардан АТОС – 0,5 фойдаланилади.

Фотосинтез жараёни нормал ўтиши учун УБ-6 газ генератори ёрдамида иссиқхонага вақти-вақти билан CO₂ берилди. Газ бериш эрталаб ва тушлик пайтида ўтказилади. Иссиқхона ҳаводаги CO₂ ни концентратсияси 0,10-0,15 % максимал чегараланган концентратсияси - 0,33 % .

Иссиқхоналар лойиҳалашда қуйидагилар кўзда тутилиши керак:

а) Ёритилганликни ҳисобга олган ҳолда тун ва кундузги шароитда температурани маълум катталиқда ушлаб туриш, созлаш ва қайд қилиб бериш.

б) Иссиқ ҳаво температурасини автоматик ростлаш, иссиқ сув температураси ва ҳаво намлигини бошқариш.

в) Ҳаво сув температураси ва намлигини ташқи ҳаво температураси ва намлигини назорат қилиш.

г) Суғориш системаси, минерал ўғитлар билан ва CO₂ билан таъминлаш системаларини ва ёритгичларни бошқариш.

с) Барча иссиқхона параметрлари нормадан ортса огоҳлантириш сигнализацияси ишга тушади.

Иссиқхонадаги ҳавони иситиш учун асосий манба бу қуёш радиацияси ёрдамчи манбалар – бу иситилган сув, биологик ёқилғи ва электр энергияси.

Биологик иситиш: Чорва молларининг ахлати иссиқлик манбаси бўлиб хизмат қилади. Ундан турли микроорганизмларни ҳаёти натижасида анаераб жараён кетади ва органик моддаларни парчаланиш натижасида ахлат 45-70 С гача қизийди. Иссиқхоналардаги микроиқлимга ҳавони ҳарорати, намлиги ва CO₂ миқдори киради. Иссиқхоналардаги микроиқлим зарур температура ва ҳавонинг нисбий намлигини сақлаш, шунингдек, ҳавода карбанат ангдрид миқдорини сунъий ошириш йўли билан ростланади. Бу факторлар ўсимликларга бир-биридан алоҳида эмас, балки ўзаро комплект ҳолда таъсир этади ва бирини иккинчиси билан алмаштиришга йўл қўйилмайди. Масалан: Иссиқлик етишмаганда ёруғликни ошириш ва аксинча қилиш ярамайди. Микроиқлимни таъминловчи факторлар қуйидаги қоидага биноан мувофиқлаштирилади: иссиқхона қанча яхши ёритилган бўлса, температура ва ҳаводаги карбанат ангдриднинг миқдори шунча кўп ва аксинча бўлиши керак.

Иссиқхоналардаги температура иситиш системаси улаш ва узиш ёки вентиляцияни кучайтириб –камайтириш билан ростланади. Ҳавонинг нисбий намлиги иссиқхонани тез шамоллатиш йўли билан камайтирилади, сув пуркаб эса оширилади. Ҳаводаги карбанат ангдрид миқдори дастлабки усулда ёки автоматик ростланади. Иссиқхоналарда температурани автоматик ростлаш иситиш усулига боғлиқ. Иссиқхоналарда маълум микроиқлим яратиш учун иссиқлик беришни ҳаво ҳарорати ва намлигини ҳамда вентиляцияни автоматик ростлайдиган уақуналар комплекти ишлатилади (“Электр куч тармоғининг ҳисоби” бўлимида кўрсатилган).

Иссиқхоналарда ишларни механизациялаштириш учун умумий мақсадда ишлатиладиган усқуналардан ташқари электрлаштирилган фриза ва электрлаштирилган кетмонлар (матъга) ишлатилади.

2. Электр ёритиш ҳисоби

2.1 Ёруғлик манбасини танлаш

Қишлоқ хўжалигини электр билан ёритишда ёруғлик манбалари сифатида чўғланма лампалар, паст ва юқори босимли люминесцент газ-разрядли лампалар қўлланилади.

Паст босимли люминесцент лампалар юқори даражада ёруғлик тарқатиши, узоқ ишлаш вақти, ҳамда етарлича ранг узатишлари сабали хоналарни ёритишда кенг қўлланилади.

Чўғланма лампалар оддий хизмат кўрсатилиши, арзонлиги билан ажралиб туради ва ташқи муҳитга алоқасиздир. Бундай лампалар паст ва ўртача ёруғлик талаб қилинадиган ишлаб чиқаришга оид, жуда оғир муҳитли ва ёрдамчи хоналарни ёритишда қўлланилади.

ДРЛ типидagi симобли лампалар эса баланд ишлаб чиқариш хоналарини, очиқ жойларни кўча ва майдонларни ёритишда ишлатилади.

Конкрет ёруғлик манбалари турларини справочниклардан қабул қилинади. [4,5]

2.2. Ёритиш турлари ва системалари.

Электрик ёритишнинг куйидаги турлари мавжуд: ишли, авраияли ва кутқарувчи. Ишли ёритиш иш жойида ёруғлик нормасини ҳосил қилиш учун хизмат қилади. Аварияли ёритишнинг мақсади иш жойида ёруғлик нормасидан 5% ва 2 Лк дан кам бўлмаган ёруғликни ташкил этишдан иборатдир. Кутқарувчи ёруғлик эса 0.5 Лк дан кам бўлмаслиги керак. Ёритиш системаларини икки тури мавжуд: умумий ва бирлашмали.

Умумий ёритиш умумий текис ва умумий локал ёритишларга бўлинади ва бунда қурилмаларнинг жойланиши ҳисобга олинади.

Бирлашмали ёритиш ҳар иш жойидаги умумий ва маҳаллий ёритишларнинг бирикмасидан ташкил топган бўлади.

Ёритилганликни танлаш. Ҳар бир хона учун ёритилган нормаси бўйича қабул қилинади. Ҳисобларда ёритилганлик нормаси қийматини захира коэффиценти (K_3)га кўпайтириш тавсия этилади. Тўплаш коэффиценти (K_3) лампанинг эскириши давомида ёруғлик оқимининг камайишини ёритгичлар ва ёруғлик қайтариш сиртларининг чанг босимларини ҳисобга олади.

Ёритгичлар. Ёритгичлар типларини танлашда ташқи муҳит шароити, ёруғлик тарқалиш характериға бўлган талаб ва иқтисодий мақсадға мувофиқлиги ҳисобга олинади.

Ёритгичларни жойлаштириш. Ёритгичларни хоналарға жойлаштиришда шахмат ва тўғри тўртбурчак усуллари кенг қўлланилади. Бунда аввало ёритгичлар орасидаги нисбий масофа (λ)нинг қиймати ҳисобга олиниши керак:

$$\lambda = \frac{L}{h} \quad (2.1)$$

бу ерда: L – ёритгичлар ёки қаторлар орасидаги масофа;

h –асосий баландлик

λ нинг қиймати лампа туриға ва унинг ёруғлик тарқатиш характериға қараб олинади. Бунда ёритгичлар орасидаги нисбий масофанинг светотехник $/\lambda_c/$ ва энергетик $/\lambda_e/$ коэффицентлари ҳам ҳисобга олиниши керак.

Агар ёритгичларни жойлаштиришда лампанинг қувватини ўзгартирмай олинандиган бўлса у ҳолда λ_c олинади, бошқа ҳамма ҳолларда λ_e қабул қилинади.

λ нинг қийматини билган ҳолда ёритгичлар орасидаги масофа (L_A) ни эса қуйидаги нисбатликдан топилади:

$$\frac{L_A}{L_B} \leq 1.5 \quad (2.2)$$

Иш жойнинг деворга нисбатан яқин масофада жойлашганига қараб ёритгичдан деворгача бўлган масофа (L_A) ва (L_B) ни $(0.25 \dots 0.3) L$ кўринишида бошқа ҳолатларда $(0.4 \dots 0.5) L$ олиш мумкин.

Ёритгич қурилмаси светотехник ҳисобининг мақсади ёруғлик манбаларининг нормал кўришни ташкил қиладиган зарурий қувватини аниқлашдан иборатдир. Ҳисоб пайтида аввало ёруғлик манбасининг тури, системаси, нормаси, ҳамда ёритгичларнинг типи ва уларнинг жойлашуви танланади. Ҳисоб якунида эса ёритгичларнинг керакли ёруғлик оқими аниқланиб, справочник жадвалларидан унга яқинроқ бўлган стандарт лампанинг қуввати топилади. Стандарт лампанинг ҳисоблангандаги ёруғлик оқимидан 10 ва 20% силжиши рухсат этилади.

Ёруғлик оқимидан фойдаланиш коэффиценти усули. Ушбу усул ёруғлик оқимининг девор ва шифтдан қайтарилишини эътиборга олган ҳолатда горизонтал текисликларнинг умумий тенг тақсимланган ёруғлигини ҳисоблашларда ишлатилади.

Ҳисоблаш тартиби қуйидагича:

1. Усулнинг қўлланилиш мумкинлиги текширилади.
2. Ёруғлик манбаси ва ёритгичлар турлари танланади, уларнинг жойлашуви ва сони аниқланади.
3. Ёруғликнинг норма даражаси топилади.
4. Шифт ва деворнинг ёруғлик қайтариш коэффицентлари аниқланади.
5. Хонанинг индекси i топилади:

$$i = \frac{S}{h(A+B)} \quad (2.3)$$

Бу ерда S, A, B, h – мос равишда хонанинг юзаси, узунлиги, баландлиги олинган i нинг қиймати стандартга яқин қийматига келтиради.

6. Справочник жадваллардан ёруғлик оқимидан фойдаланиш коэффиценти η нинг қиймати олинади.

7. Эҳтиёт ва минимал ёритилганлик коэффициентлари (K_3 ва Z) аниқланади, K_3 нинг қиймати 1-жадвал бўйича қабул қилинади.

Z эса 1,1.....2,0 – чўлғамли лампалар учун ва 1,1....1,2 – люминесцентли ёритгичлар учун танланиши мумкин.

8. Ёруғлик оқимининг ҳисоблаш орқали топиладиган қиймати топилади:

$$F_p = \frac{E_H \cdot S \cdot K_3 \cdot Z}{N \cdot \eta_{cn}} \quad (2.4)$$

9. Справочник жадваллардан F_p га яқинроқ бўлган лампанинг типни танланади ва шунга қараб лампа ва ёритгичларнинг мос равишдаги қуввати топилади.

Солиштирма қувват усули. Ушбу усул ёруғлик оқимидан фойдаланиш коэффициенти ҳисобининг соддалаштирилган формасидир. Ёритгич қурилмаларининг солиштирма қуввати ёритгич тўла қувватининг хонани ёритилиш юзасига нисбатини ташкил этади:

$$P_{сол} = \frac{P_x}{S} \text{ Вт/м}^2 \quad (2.5)$$

Солиштирма қувват усули светотехник ҳисобларни тўғрилигини текширишда ва ёруғлик юкламасини олдиндан аниқлашда кенг қўлланилади.

Ушбу усул локализовик ёруғликни ҳисоблаш учун тавсия қилинмайди.

Ҳисоблаш тартиби:

Ёритгичлар сони ва типни танланади.

Берилган хонадаги ёруғлик нормасининг қиймати қабул қилинади.

Шифт ва деворларнинг қайтариш коэффициенти қийматлари танланади.

Хонанинг геометрик ўлчамлари аниқланади: узунлиги, эни, ҳисобли баландлиги ва юзаси.

Бир дона лампанинг қуввати ҳисобланади:

$$P_n = \frac{P_{сол} \cdot S}{N} \quad (2.6)$$

бу ерда: $P_{\text{сол}}$ – солиштирма қувват, Вт/м²

S – хона юзаси, м²

N –ёритгичлар сони (кўп лампали ёритгичлар учун ёритгичдаги лампалар сонига кўпайтириб олинади).

Ёруғлик техник ҳисоби

Иссиқхона асосий ишлаб чиқариш хоналари ва уланиш йўлагидан иборат. Битта ишлаб чиқариш хонасининг умумий юзаси 1 гектарни (10000 м² ни) ташкил қилади ($A=75$ м; $B=133.3$ м). Иссиқхонада ПВЛМ туридаги ёритгичларни ва уларда иккитадан ЛБРЧО туридаги люминесцент лампаларни ўрнатамиз. Ҳисобларни ёруғлик оқимидан фойдаланиш коэффициенти усулида ўтказамиз.

Бирламчи маълумотлар: Ёритгичларни ўрнатиш баландлиги – 3.8 м; Шип, девор ва ҳисобий юзалардан ёруғликни қайтарилиш коэффициенти: $\rho_{\text{ш}}=50\%$; $\rho_{\text{д}}=30\%$; $\rho_{\text{юз}}=10\%$; $E_{\text{м}}=10$ лк.

Хонанинг индексини аниқлаймиз:

$$i = \frac{S}{h(A + B)} = \frac{10000}{3.8(75 + 133.3)} = 12.63$$

Демак, 5-12 жадвалидан максимал қиймати $i=5$ деб қабул қиламиз [3].

Хонанинг индексини ҳисобга олган ҳолда 5-12 жадвалдан ёруғлик оқимидан фойдаланиш коэффициентини аниқлаймиз $\eta_{\text{ф}}=0.79$.

Иссиқхона марказига ёритгичларни ўрнатамиз. Ёритгичларни оралик масофани 12.8 м. ЛБР-40 туридаги лампанинг қуввати 40 Вт дан ва унинг ёруғлик оқими $F_{\text{л}}=3000$ лм [3-жадвал 2-12].

Ёритгич ҳосил қиладиган ёруғлик оқимини аниқлаймиз:

$$F_{\text{ёр}} = 2F_{\text{л}} = 2 \cdot 3000\text{л} = 6000\text{лм}$$

Иссиқхонада ўрнатиладиган ёритгичлар сонини аниқлаймиз:

$$N = \frac{E_{\text{м}} \cdot S \cdot Z}{F_{\text{ёр}} \cdot \eta_{\text{ф}}} = 23.2 \approx 24 \text{ дона}$$

Демак, 1-та иссиқхонада 24 ПВЛМ (2x40) туридаги ёритгичларни ўрнатамиз.

Йўлак ёритилганлигини ҳисоблаймиз:

Берилган: йўлак майдони 2035.39 м^2 ($A=318.03 \text{ м}$; $B=6.4 \text{ м}$); $\rho_{\text{ш}}=50\%$; $\rho_{\text{д}}=30\%$; $\rho_{\text{хис}}=10\%$; $E_{\text{м}}=20 \text{ лк}$.

Хонанинг индексини аниқлаймиз:

$$i = \frac{S}{h(A + B)} = \frac{2035.39}{3.8(318.03 + 6.4)} = 1.65$$

5-12 жадвалдан [3] индексни стандарт қиймати $i = 1.75$ деб қабул қиламиз.

5-12 жадвалдан $\eta_{\text{ф}}=0.63$ деб қабул қиламиз.

Йўлакда ПВЛМ (2x40) туридаги ёритгичларни ўрнатамиз. Лампанинг тури ЛБ-40 ва унинг ёруғлик оқими $F_{\text{л}}=2100 \text{ лм}$.

Ёритгич оқими $F_{\text{ёр}}=2 \cdot 2100=4200 \text{ лм}$

Уловчи йўлакда ўрнатилган ёритгичлар сонини аниқлаймиз:

$$N = \frac{E_{\text{м}} \cdot S \cdot K_{\text{эх}} \cdot Z}{F_{\text{ёр}} \cdot \eta_{\text{ф}}} = \frac{20 \cdot 2035.39 \cdot 1.3 \cdot 1.1}{4200 \cdot 0.63} = \frac{58229.6}{2646} = 22 \text{ дона}$$

Электротехник ҳисоби

Иссиқхонада катта намликни ҳамда асосий меҳнат қўл билан ёки кичик механизация ёрдамида бажарилишини ҳисобга олган ҳолда ёритгичларни энергия билан тامينлаш мақсадида АВВГ туридаги кабел қабул қиламиз осилиш баландлиги 2.5 м. Ўтқазуш усули – лотоклар орқали.

1 – чи иссиқхонанинг 1 – чи гуруҳ истеъмолчиларининг ҳисобий токини аниқлаймиз:

$$I_{\text{хис.ис}} = \frac{\sum P_{\text{ўрн}}/3}{U \cdot \cos \varphi} = \frac{(24 \cdot 2 \cdot 0.04/3) \cdot 10^3}{220 \cdot 0.9} = \frac{640}{198} = 3.2 \text{ А}$$

Йўлакда жойлаштирилган ёритгичлар учун:

$$I_{\text{хис.йўл}} = \frac{(22 \cdot 2 \cdot 0.04) \cdot 10^3 / 3}{220 \cdot 0.9} = \frac{568}{198} = 2.96 \text{ A}$$

Кабел кесим юзаси узок муддат ишлаш учун рухсат этилган ток шarti бўйича аниқлаймиз:

$$\text{а) } I_{\text{рухх}} \geq I_{\text{хис.ис}} = 3.2 \text{ A}$$

$$\text{б) } I_{\text{рухх}} \geq I_{\text{хис.йўл}} = 1.2 \text{ A}$$

Демак кабелни кесим юзасини, юкорида келтирилган шартларни хисобга олган ҳолда аниқлаймиз [4, 12.1. жадвал]:

$$I_{\text{рухх}} \cdot \text{жадв} = 19 \text{ A}; S_{\text{жадв}} = 2.5 \text{ мм}^2$$

Натижада АВВГ (3х4+1х2.5) туридаги кабельни қабул қиламиз.

12 – та гуруҳга мўлжалланган ОЩ – 12 туридаги ёритгичлар шитини қабул қиламиз. Хар бир гуруҳни ҳимоялаш учун А3163 туридаги автоматик узгич қабул қилинади.

Унинг номинал кўрсаткичлари куйидагича:

$$U_{\text{н.а}} = 380 \text{ В}; I_{\text{н.а}} = 50 \text{ А}; I_{\text{н.ажр}} = 15 \text{ А}.$$

3.Электр куч тармоғининг ҳисоби.

Ёритгичлар ва нурлатгичлар ёритиш тармоқларини ҳисоблашда улар группаларга тақсимланади ва группа шитлари ўрнатилиш жойлари белгиланиб, истеъмолчи ва группа тармоқлари ўтказилади.

Фазалар истеъмол бир хилдаги йўналиш ҳосил қилиш тақсимланади. ПУЭ-86 тавсияга биноан ҳар бир фаза группавий чизикларига уланадиган лампалар ва тақсимлаш розеткалари сони чўлғамли лампалар ДРЛ ва ДРИ типидagi лампалар учун 20 донадан ҳамда люминесцент лампалар учун эса 50 донадан ошмаслиги керак. Группавий шитларни электр юкланиш марказига жойлаштиришга ҳаракат қилинади.

Ёритиш тармоқларини ҳимоя қилиш. Ёритиш тармоқларини ҳамма ҳолатларда қисқа туташтиришдан ва ортиқча юкланишдан ҳимоя қилинган бўлиши керак.

Ҳимоя воситалари сифатида автоматик узгичлар ва эрувчан сақлагичлар ишлатилади. Ҳимоя воситаларини қабул қилиш шартлари 10-чи адабиётнинг 5.2 ва 5.3-жадвалларида кўрсатилган.

Ҳимоя воситаларига асосан шчитларга шкафларга ва яшиқларга ўрнатилади. Уларни қабул қилиш эса хона шароитига ҳимоя даражасига, группалар сонига қараб олиб борилади [6; П7.4-П7.7-жадваллари].

Электр куч тармоғининг ҳисоби. Ички электр тармоқларининг ҳисобида “Электр ускуналарни жойлаштириш қоидалари”, Қишлоқ хўжалиги электр ускуналарни технологик лойиҳалаш нормалари” ва “Қурилиш нормалари ва қоидалари” асосида ўтказилади.

Ички электр тармоғини жойлаштиришда атроф муҳит, хонанинг архитектурасининг ўзига хос хусусиятлари эътиборга олинади. Бу ерда айниқса ишчиларни хавфсизлигига кўйиладиган талаблар, хоналарни ва ускуналарни ёнғиндан ҳимояланиш даражаси ва бошқалар ҳисобга олинади.

Ҳимоя восита сифатида эрувчан сақлагичларни танлашда қуйидагиларни ҳисобга олиш керак:

А) Ёритиш тармоқларини қисқа туташув токидан ҳимоя қилишда сақлагичнинг номинал токи $I_{эр.к.} \geq I_{хис.}$ истеъмолчилар иш токидан кам бўлмаслиги керак ёки яна эрувчи сақлагичнинг номинал токи занжирнинг чегара токи билан қуйидагича боғлиқда бўлиши керак.

Б) Куч электр тармоқларини ҳимоя қилишда:

$$I_{н.эр.к.} \geq \frac{I_{иш.туш.}}{\alpha} \quad (3.1)$$

α -коэффициент электр двигателни юргизиб юбориш шароити билан аниқланади:

α -2.5-нормал шароитлар учун;

α -1.6...2 оғир ишга тушириш ҳолати учун.

Агар сақлагич бир неча мотор учун ўрнатилган бўлса:

$$I_{н.эр.к.} \geq \frac{\sum_{x=1}^{n-1} I_{хис.} + I_{иш.туш.энкатта}}{\alpha} \quad (3.2)$$

бу ерда $I_{иш.туш.}$ – энг катта ишга тушиши токи шу электр моторлар ичида.

Ёритиш ва куч тармоқлари учун автомат танлашда қуйидаги шартлар бажарилиш керак:

1. $I_{н.ис.ажр.} \geq I_{хис.}$ - иссиқлик ажратгични номинал токи ҳисобланган токдан кам бўлмасин.

2. $I_{н.м.ажр.} \geq I_{хис.}$ - электр магнит сақлагични номинал токи ҳисобланган токдан кам бўлмасин.

Автомат бевақт тармоқни узиб қўймаслиги учун уни яна қуйидаги шароитларга кўра текшириб кўриш керак:

$$I_{иш.туш.м.ажр.} \geq K_m I_{мах} \quad (3.3)$$

$$I_{иш.туш.исс.ажр.} \geq K_x I_{хис.} \quad (3.4)$$

Бу ерда $I_{мах} = I_{иш.туш.}$ - агар битта электр мотор уланган бўлса

$$I_{мах} = \left(\sum_{x=1}^{n-1} I_{x} + I_{иш.туш.энкатта} \right) \text{ агар электр моторлар бир неча бўлса.}$$

$K_m = 1.25 \dots 1.5$ максимал токни аниқлашда бўлиши мумкин бўлган хатоликларни ҳисобга олиш коэффициенти $k_x = 1.25$.

Сим ва кабелларни танлаш.

Ички узатгичлар (симлар) очик деворлар юзаси бўйича жойлаштирилган ва ёпиқ (сувоқ остида, конструкциялар орасида) шаклда ётқизилади. Биринчи ҳолатда электр токи ўтказгичлари атроф муҳитнинг бевосита таъсирида бўлади ва фақат ўзининг конструкциясида қўйилган, химоя катталигига эга бўлади. Ёпиқ бажарилган ўтказгичлар атроф муҳитда кам таъсирланади ва кам механик зарарланади.

Очиқ ётқизилиши мумкин: изоляцияли ва изоляциясиз симларни кабелларни изоляцияли трубкларда, метал трубаларда жойлашган симларни. Ёпиқ шаклда ётқизилади: сувоқ остида нол токида изоляцияли симлар. Бажарилган проводкалар қуйидаги шартларга мос бўлиши керак: атроф муҳит шароитига техника ва ёнғин хавфсизлигига улар асосан ёнмайдиган юзаларда ётқизилиши керак.

Электр ўтказгичлар тури уларни бажарилиши усули ўрнатилиш шароитига ва атроф муҳит шароити билан аниқланади. Қуйидаги усуллар электр тармоқларда кенг қўлланилади:

- ўз троссига ўрнатилган АВТ, АВТС типли симлар темир бетон томли хона ва иншоотларда;

- АППР маркали сим ёнмайдиган изоляцияга эга алюминий симдан бажарилган, ёнувчи деворларда ётқизилиши мумкин.

Бу симлар агрессив иқлим шароитига чидамли бўлади ва чорвачилик, паррандачилик фермаларида ишлатилади. Куч электр тармоқлари кабеллардан бажариш мақсадга мувофиқ бўлади (АНРГ, АВРГ, АВВ, АВП) улар қисқичларда махсус ариқчаларда маҳкамланади. Бундан ташқари АПВ маркали симлар трубаларда ишлатилади:

- пўлат трубаларда электр ўтказгичлар бошқа усуллар мумкин бўлганда фойдаланилади.

1. Қизиш шартига кўра кўндаланг кесим юзасини танлаш:

Ёнғин ёки портлаш ҳосил бўлиши ва техника хавфсизлиги шартларига кўра ҳамда ток билан инсонни зарарланиш хавфига кўра электр тармоқлар 2 гурпуада бўлади

1.Қисқа туташув ва зўриқиш токидан ҳимоя қилиниши керак бўлган электр занжирлар.

2.Қисқа туташув токидан ҳимоя қилиниши керак бўлган электр тармоқлар зўриқиш режимидан ҳимоя қилиш кўзда тутилган.

Биринчи группа тармоқларга қуйидагилар киради:

А) Портлаш хавфи бўлган барча хоналарда ва ташқарида ўрнатилган электр ускуналар тармоқлари;

Б) Барча уй-жой, маданий-маиший бинолардаги ёритиш тармоқларида;

В) Очиқ усулда ётқизилган ва ҳимояланган ёнувчи изоляцияли симлардан бажарилган тармоқлар;

Г) Технологик жараён натижасида ёки иш режимига кўра зўриқиш токи бўлиши мумкин бўлган турар жой, жамоат жойлари ва ишлаб чиқариш хоналаридаги электр куч қурилмаларининг куч тармоқлари.

Қолган барча ҳолатларда электр тармоқ 2 гурпуага киритилган. Кабел ва ўтказгич симлар кесим юзаси қизиш шароитига кўра истеъмол чегара токлари жадвалидан олинади. Бунда ҳисобланаётган ўтказгичлардан ўтаётган истеъмол чегара ток миқдори қуйидаги шартлар бўйича энг катта ток олинади:

Линияда узоқ муддат ўтаётган токни ўтказгични қиздириш шартига кўра.

Шу занжир учун танланган юқори чегара токи ҳимоя аппаратиға мос қилиш шартига кўра:

$$I_{\text{чег.жаод}} \geq \frac{1}{K_{\text{тўғр}}} \cdot I_x \qquad I_{\text{чег.жаод}} \geq \frac{K_z \cdot I_{\text{н.а.}(к)}}{K_{\text{тўғри}}} \qquad (3.5)$$

Бу ерда $K_{\text{тўғри}}$ – ўтказгич сим ёки кабелни ётқизиш шароитини ҳисобга олувчи тўғриловчи катталиқ коэффициентини.

$I_{\text{н.а. (к)}}$ – ҳимоя воситасини ишга тушириш ток катталиғи.

K_3 – ўтказгич ёки кабел учун чегара токининг номинал ёки (ҳимоя воситасини) ишга тушириш токидан неча марта катталиғини кўрсатувчи коэффициент.

$$I_{\text{чег}} \geq K_{\text{туз}} I_{\text{чег.жадв.}} \quad (3.6)$$

$K_{\text{тўғри}} = K_1 K_2 \dots K_{10}$ тўғрилаш коэффициенти


K_1 – атроф муҳит иссиқлик даражасини ҳисобга олувчи коэффициент

K_2 – ёнма-ён жойлашган кабеллар сонини ҳисобга олувчи коэффициент

K_3 – ўтказгичларни иш режимини ҳисобга олувчи коэффициент

Электр куч тармоғи ҳисоби

Электр ўтказгичларни танлашда чегаравий ток усулидан фойдаланамиз.



1-расм. № 36 моторни таъминлашнинг ҳисобий схемаси.

Моторнинг номинал токини аниқлаймиз:

$$I = \frac{P_{\text{н.з}}}{\sqrt{3} U_{\text{н}} \cos \varphi \cdot \eta_{\text{н}}} = \frac{1.5 \cdot 10^3}{1.73 \cdot 380 \cdot 0.75 \cdot 0.74} = 4.1 \text{ A}$$

[5] адабиётнинг 39 жадвалида берилган тавсияларга асосан фрамуга моторларини юкланиш коэффициенти $K_{\text{юк}} = 0.7$ деб қабул қиламиз.

Ҳисобий токни аниқлаймиз:

$$I_{\text{хис.м.36}} = K_{\text{юк}} \cdot I_{\text{н.36}} = 0.7 \cdot 4.1 = 2.87 \text{ A}$$

Кабелларни ўтқазиш усулини ҳисобга олган ҳолда, чегаравий ток қийматини аниқлаймиз:

$$I_{\text{чег}} \geq I_{\text{хис.м.36}} = 2.87 \text{ A}$$

47 жадвалдан чегаравий ток қийматини аниқлаймиз:

$I_{\text{чег}} = 19 \text{ A}$ ва унга лойиқ кабел толаси кесим юзасини аниқлаймиз $S=2.5 \text{ мм}^2$ [5].

Демак АВВГ (3x2.5) туридаги кабел қабул қиламиз. Қабул қилинган кесим юзасини кучланиш пасайишига текшираамиз

$$\Delta U_x = \frac{Pl}{C \cdot S} = \frac{1.5 \cdot 202}{46 \cdot 2.5} = \frac{303}{115} = 2.63 \%$$

Демак ҳақиқий кучланиш пасайиши руҳсат қилинган $\Delta U_{\text{рух}} = 2.5 \%$ дан юқорироқ, яъни

$$\Delta U_x = 2.63 \% > \Delta U_{\text{рух}} = 2.5 \%$$

Кабел кесим юзаси талабларга мос бўлиши учун, унинг толаси кесим юзаси бир поғонага ошираамиз ва $S=4 \text{ мм}^2$ деб қабул қиламиз. ($I_{\text{чег}}=27 \text{ A}$).

Эрувчан сақлагични турини аниқлаймиз:

$$U_{\text{н.эр.с}} \geq U_{\text{н.тарм}} = 380 \text{ В}$$

$$I_{\text{н.эр.с}} \geq I_{\text{хис.36}} = 2.87 \text{ A}$$

$$I_{\text{н.эр.к}} \geq I_{\text{хис.}} = 2.87 \text{ A}$$

$$I_{\text{н.эр.к}} \geq \frac{I_{\text{иш.туш}}}{\alpha} = \frac{20.5}{2.5} = 8.2 \text{ A}$$

НПН – 60 туридаги эрувчан сақлагични қабул қиламиз ва унинг параметрлари қуйидагича [4, 5.2 жадвал]:

$$U_{\text{н.эр.с}}=500 \text{ В}; \quad I_{\text{н.эр.с}}=60 \text{ А}; \quad I_{\text{н.эр.к}}=20 \text{ А}.$$

Кабелнинг узоқ муддатли ток оқишига руҳсат қилинган токини эрувчан қийматининг номинал токига мувофиқлигини аниқлаймиз:

$$I_{\text{рух}}=27 \text{ А} > K_{\text{мув}} \cdot I_{\text{н.эр.к}}=0.33 \cdot 20=6.6 \text{ А}$$

Бу ерда: $K_{\text{мув}}=0.33$ мувофиқлаштириш коэффиценти [5, 48 жадвал].

Электр моторларни бошқариш ва зўриқиш токидан ҳимоялаш учун магнитли ишга туширгич ва иссиқлик релеларни қабул қиламиз;

$$U_{\text{м.иш.туш}} \geq U_{\text{н.тарм}} = 380 \text{ В}$$

$$I_{\text{н.м.иш.туш}} \geq I_{\text{ҳис.м36}} = 2.87 \text{ А}$$

$$I_{\text{н.ис.реле}} \geq I_{\text{н.м.36}} = 3 \text{ А}$$

ПМЛ 12 1002 туридаги магнитли ишга туширгич ва РТЛ 1010 туридаги иссиқлик релесини қабул қиламиз [7]:

$$U_{\text{н.м.иш}} = 380 \text{ В}$$

$$P_{\text{мах откл}} = 4 \text{ кВт}$$

$$I_{\text{н.ис.реле}} = 5 \text{ А}$$

ШР11 – 73707 – 22УЗ туридаги куч шкафини қабул қиламиз. Унинг параметрлари қуйидагича [8]:

- Гуруҳлар сони – 8.
- Гуруҳлардаги сақлагичларни тури НПН – 60

$$I_{\text{н.эр.с}}=60 \text{ А}; I_{\text{у/’h/s}}=20 \text{ А}.$$

4. Электр юкланиш ҳисоби ва трансформатор танлаш.

Бир вақтлик коэффиенти усули: Электр тармоқларда (0.38...110 кВ) электр энергия истеъмоли “Қишлоқ хўжалигида электр таъминоти лойихалашга қўлланма маълумотлар”га асосланиб аниқланади.

Истеъмолчиларга келаётган электр энергияси қишлоқ хўжалик турар жойлари учун бир йиллик истеъмол ўрганилиб 7 йилгача келажақдаги бўлиши мумкин бўлган истеъмолчилар ҳисобга олиниб аниқланади.

Актив ва реактив қувватлар жамоат, майиший, ишлаб чиқариш ва бошқа истеъмолчилар учун, кечки ва кундузги вақт учун ва ўрнатилган қувватлар методик қўлланмаларда (РУМ) берилади.

Бу ерда жумладан истеъмолчиларнинг мавсумий ва суткалик режими графиги ҳамда актив ва реактив қувватларни максимал миқдоридан % лардаги қиймати келтирилади. Демак истеъмолчилар учун кундузги ва кечки максимал қувват миқдорлар бор ($S_{\text{кун.}}$, $S_{\text{кеч.}}$) 0.38 кВли тармоқлар ва 6-35/0.4 кВ ТП лар учун бир қийматлар қуйидагича аниқланади.

$$S_{\text{кун}} = \sum S_{\text{кун}i} K_{\text{б}}$$

$$S_{\text{кеч}} = \sum S_{\text{кеч}i} K_{\text{б}}$$

Бу ерда $K_{\text{б}}$ – истеъмолчиларни биргаликда ишлаши коэффиенти.

$K_{\text{б}}$ – истеъмолчиларнинг максимум қувватининг ҳар бир алоҳида олинган истеъмолчилар группаси максимуми йиғиндисига нисбатидир.

Фақат ёритиш қурилмалари бўлганда истеъмолчилардаги электр энергия ҳисобланаётган қувват (агар куч қурилмаси 3 тадан кам бўлса) истеъмолчилар қувватлари йиғиндиси шаклида қабул қилинади.

Бир турли қувватларнинг фарқи I баробардан кам бўлган истеъмолчилар истеъмол қуввати $K_{\text{б}}$ ни ҳисобга олиб аниқланади.

Қувватларни солиштириб бўлмайдиган истеъмолчилар учун истеъмол қувватини аниқлашда “Сельэнергопроект”нинг Горький бўлими усули билан

аниқланади. Бунда кўп қувватли истеъмолчилар қувватига кам қувватдан кўшимча қувват кўшилади.

Электр энергия истеъмоли графигини куриш билан истеъмолчилар қувватини аниқлаш: Бу усул агар истеъмолчиларнинг иш режими тўла маълум бўлса ишлатилади. Бунда шу корхона учун тўла сменалар бўйича технологик график тузилади, бу графикдаги жараёнлар номи машина типлари, электр ускуналар қуввати ва бошқа маълумотлар берилади.

Электр моторлар истеъмол қуввати:

$$P_m = \frac{P_n K_{юк}}{\eta}$$

Кейин эквивалент қувват аниқланади:

$$P_{эқв} = \sqrt{\frac{P_1^2 \cdot t_1 + P_2^2 \cdot t_2 + \dots + P_n^2 \cdot t_n}{t_1 + t_2 + \dots + t_n}}$$

Тўла қувват

$$S = \frac{P_{эқв}}{\cos \varphi_{кун(кеч)}}$$

Трансформатор танланади ва у зўриқиш режимига (P_{max}) текшириб кўрилади.

Агар суткалик ёки сменали график номаълум бўлса электр истеъмолчилар қувватини қуйидагича аниқланади:

$$P_{хис} = \sum_1^n \frac{P_{урн.н} K_{юк}}{\eta} + \sum_1^m \frac{P_{урн} \cdot K_{юк} \cdot t}{0.5\eta}$$

$P_{урн}$ – мах истеъмолчида иштирок этувчи электр ускуналарнинг ўрнатилган қуввати (ярим соатдан кўпроқ ишловчи).

$K_{юк}$ – электр истеъмолчиларни юкланиш коэффициенти.

η – 0.5 соат ва ундан кўпроқ вақт мах да иштирок этувчи истеъмолчилар сони.

$P_{урн}$ – 0.5 соатдан кам мах да қатнашувчи

m- истеъмолчиларнинг ўрнатилган қуввати

T_{max} – истеъмол қилиш муддати (m та истеъмолчиларнинг)

Истеъмолчиларнинг самарали сони усули бунда қувват қуйидагича ҳисобланади:

$$P_{\text{хис}} = K_{\text{мах}} \cdot \Pi_{\text{ўр.см}} \quad (4.7)$$

$K_{\text{мах}}$ – мах коэффициенти

$\Pi_{\text{ўр.см}}$ - мах ўрнатилган сменадаги истеъмолчилар ўртача қуввати.

$$P_{\text{ўр.см}} = \frac{W_{\text{см}}}{T_{\text{см}}} \quad (4.8)$$

$W_{\text{см}}$ – сменада истеъмол қилинган электр энергия миқдори, кВт

$K_{\text{мах}} = \phi (n_3; K_{\text{ў}})$

n_3 – электр истеъмолчиларнинг самарали сони;

$K_{\text{ў}}$ – ўрнатилган қувватдан фойдаланиш коэффициенти;

n_3 – бу шундай санаки, шунча бир хил қувватли ва режимли электр истеъмолчилар худди ҳақиқатда ишлаётган турли қувватли ва режимлардаги истеъмолчилар мах дек мах хосил қилади.

$$n_3 = \frac{(\sum P_{\text{урн.и}})^2}{(\sum P_{\text{ур.и}}^2)} \text{ формуладан } P = K_{\text{мах}} K_{\text{ў}} \sum \Pi_{\text{урн.с.}}$$

$$K_n = \frac{P_{\text{ур.см}}}{\sum P_{\text{урн.и}}}$$

Қишлоқларда ТП лар одатда истеъмолчилар марказида жойлаштирилади. Бунда ТП хизмат доираси радиуси 400 м дан ошмаслиги кўзда тутилади. Ҳаво линиялари симлари кўндаланг кесим юзаси 16 мм² камида ва 120 мм² кўпи билан бўлиши тавсия қилинади. Истеъмол маркази учун ХУ координат ўқлари ўтказилади. Оғирлик маркази координатлари қуйидагича аниқланади:

$$X = \frac{\sum_{i=1}^n P_{\text{хис}i} x_i}{\sum_{i=1}^n S_{\text{хис}i}} \quad ; \quad Y = \frac{\sum_{i=1}^n S_{\text{хис}i} y_i}{\sum_{i=1}^n S_{\text{хис}i}} \quad (4.11)$$

бунда $X_{и}$, $Y_{и}$ – алохида олинган истеъмолчилар маркази координаталари

$S_{хис и}$ – истеъмолчи олаётган (ҳисобга олинган) қувват.

Бир трансформаторли 10/0.4 ТП учун трансформатор қуввати, улар нормал ишлаши учун, истеъмол қувватининг исқтисодий самарали оралиғида олиниб чегара зўриқишлар (такролрланиб турувчи) ҳисобга олинади ҳамда қуйидаги шарт бажарилиши керак:

$$S_{ик.н} < S_{хис} \leq S_{ик.юк}$$

Қабул қилинган трансформатор учун $S_{ик.н}$; $S_{ик.юк}$ – истеъмол қувватининг пастки ва юқори чегараси

$S_{хис}$ – ТП ҳисобланган истеъмолчилар қуввати.

Электр юкланиш ҳисобини талаб коэффиценти усули билан ўтказамиз. Бу ерда ҳар бир истеъмолчи учун тегишли талаб коэффицентини аниқлаймиз.

Ҳисобий максимал актив ва реактив қувватларни аниқлаймиз.

$$P_{мах} = K_{тал} P_{ном}$$


$$K_{мах} = P_{мах} \text{tg}\varphi$$

2-жадвал

Электр энергияни асосий истеъмолчилари.

Истеъмолчиларни номланиши	Сони	$P_{н. дв}$ кВт	$\Sigma P_{ист.}$	$\tau_{иш}$ соат	Уланиш сони
Фрамугалар	5 6	1,1	78,4	0,5	8
СО ₂ билан бойитиш ускуналар	3	1,4	4,2	2	2
Ёрдамчи қурилма	2	0,4-0,6	1	4	2

	Кўчма механизмлар	4	2,8	11,2	2	2
	Насослар ва компрессорлар	6	4÷10	49,5	4	2
	Экранлаш механизмлари	1 2	1,1	13,2	0,5	4
	Электр ёритгичлар	6 0	20,46	20,46	1 0	1
	Жами	143		178,01	22,25	21



2-расм. электр юкланиш графиги

Истеъмолчилар қувватининг хронометрик жадвали.

3–

жадвал.

№	Вақт, соат	Давомийлиги, соат	Р _н , кВт
1	2	3	4
1	0-1	1	30.4
2	1-2	1	24
3	2-3	1	20.46
4	3-4	1	105.26
5	4-5.30	1.5	20.46
6	5.30-6.00	0.5	23.46
7	6.00-6.30	0.5	9.95
8	6.30-7.00	0.5	88.35
9	7-8	1	3.55
10	8-9	1	61.7
11	9-10	1	68.1
12	10-10.30	0.5	128.9
13	10.30-11.30	1	50.5
14	11.30-12.00	0.5	53.5
15	12.00-13.00	1	9.95
16	13.00-13.30	0.5	3.55
17	13.30-14.00	0.5	81.95
18	14.00-15.00	1	0
19	15-16	1	6.4
20	16-17	1	0
21	17-17.30	0.5	78.4
22	17.30-18.00	0.5	3
23	18-19	1	21.15

24	19-20	1	14.75
25	20-20.30	0.5	149.36
26	20.30-21	0.5	70.96
27	21-22	1	77.36
28	22-23.30	1.5	70.96
29	23.30-24	0.5	149.36

Эквивалент қувватни аниқлаймиз:

$$P_{\text{ЭКВ}} = \sqrt{\frac{P_1^2 t_1 + P_2^2 t_2 + \dots + P_n^2 t_n}{t_1 + t_2 + \dots + t_n}}$$

$$= \sqrt{\frac{30.4^2 \cdot 1 + 24^2 \cdot 1 + 20.46^2 \cdot 1 + 105.26^2 \cdot 1 + 20.46^2 \cdot 1.5 + 23.46^2 \cdot 0.5 + 9.95^2 \cdot 0.5 + 88.35^2 \cdot 0.5 + 3.55^2 \cdot 1 + 61.7^2 \cdot 1 + 81.95^2 \cdot 0.5 + 0^2 \cdot 1 + 6.4^2 \cdot 1 + 0^2 \cdot 1 + 78.4^2 \cdot 0.5 + 0.5 + 0.5 + 0.5 + 1 + 1 + 3^2 \cdot 0.5 + 21.15^2 \cdot 1 + 14.75^2 \cdot 1 + 149.3^2 \cdot 0.5 + 70.96^2 \cdot 0.5 + 77.36^2 \cdot 1 + 70.96^2 \cdot 1.5 + 149.36^2 \cdot 0.5 + 0.5 + 1 + 1 + 1 + 0.5 + 0.5 + 1 + 1 + 0.5 + 0.5 + 1 + 1.5 + 0.5}{1 + 1 + 1 + 1 + 1.5 + 0.5 + 0.5 + 0.5 + 1 + 1 + 0.5 + 0.5 + 1 + 1 + 0.5 + 0.5 + 1 + 1.5 + 0.5}}$$

$$= 55.6 \text{ кВт.}$$

Тўла қувватнинг катталигини аниқлаймиз:

$$S_{\text{ЭКВ}} = \frac{P_{\text{ЭКВ}}}{\cos \varphi_{\beta}} = \frac{55.6}{0.7} = 79.42 \text{ кВа}$$

Бу ерда $\cos \varphi_{\beta} = 0,7$ қувват коэффициенти олинган кечки вақт учун жадвалдан олинади [5].

Лойиҳалаштирилаётган иссиқхона ёнида аҳоли турар жой ҳам бор. Олинган маълумотларда улар томонидан истеъмол қилинаётган қувват

$S=147,3$ кВА ни ташкил қилади. ҳозирги кунгача аҳолини электр энергияси билан таъминлаш учун 160 кВА ли трансформатор подстанцияси ўрнатилган.

Демак, Лойихалаштирилаётган иссиқхонани ҳисобга олган ҳолда янги трансформатор қабул қилиш кераклиги аниқланмоқда.

Умумий истеъмол қуввати:

$$S_{\text{ҳис}} = 147.3 + 79.42 = 216.72 \text{ кВа}$$

Бундай натижалар 41 жадвалда [5] келтирилган иқтисодий самарали юкламаларнинг қуйидаги интервалларига мос келади:

$$S_{\text{иқт.п}} = 203 \text{ кВа} < S_{\text{ҳис}} = 216.7 \text{ кВа} < S_{\text{иқт.п}} = 315 \text{ кВа}$$

Демак адабиётларнинг П 8.1 ва П 8.2 иловаларидан КТПН77–250/10 туридаги трансформатор подстанциясини қабул қиламиз. Унда ТМ–250 турида $S_n = 250$ кВа бўлган трансформатор ўрнатилган [5].

5. Технологик жараёнларни автоматлаштириш

Иссиқхонада микроиклимни автоматик бошқариш схемаси ишлаб чиқиш келтирилган. Принципиал электр схема 3–расмда кўрсатилган. Схема ишини қисмлар бўйича кўриб чиқамиз.

Ишни вақт релеси ва электроконтактли термометрлар, колориферларни ёқилиши, электр магнит вентиллар, электр контактли флюгер ва фрамуг бошқаришнинг электр юритмаси, ҳаво тизимини яхшилашда намлик дачигини кўрамиз.

